

Туркиялик хаттотнинг Эрдўғон учун кўчирган мусҳаф нусхаси Тошкентда намойиш қилинди



23:11 / 24 октябрь 707

Ўзбекистонда маданий мерос ҳафталиги доирасида 19 октябрь куни Истанбуллик машҳур хаттот ва исломшунос Ҳусайн Кутлу ҳам юртимизга келди.

Ҳусайн Кутлу замонавий турк хаттотлик мактабининг энг таниқли вакилларидан бири. У 1949 йилда Туркиянинг Коня вилоятида туғилган. 1966-1967 йилларда Коня имом хатиблар мактабида, кейинчалик Истанбул университети Адабиёт факультетида таҳсил олди. Ўша пайтларда хаттотликка меҳр қўйди ва шу соҳанинг етук мутахассисига айланди. Истанбулдаги қатор масжидларда имомлик қилди. Шу билан бирга ўзининг хаттотлик мактабини яратиб, ёшларга шу соҳа сирларини ўргатди. Айни пайтда Ҳусайн Кутлу Истанбул шаҳридаги ўзига қарашли бўлган Ислом цивилизацияси боғида истиқомат қиласи. Бу боғни у шахсий ташаббуси ва Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдоғанинг кўмагида яратган. Боғ тасаввуф ва тариқат йўналишида барпо этилган бўлиб, рамзий ишораларни ўз ичига олади. Боғда ислом динининг муқаддасотларини тамсил этувчи дараҳтлар экилган. Шунингдек, бу боғда шифобахш гиёҳлар етиштирилади. Фариддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарида номи зикр қилинган қушлар ҳам шу ерда сақланади.

Хусайн Кутлунинг энг катта ишларидан бири Қуръони Каримни 1500 йиллик хаттотлик ва китобат санъати анъаналари асосида қайта кўчириб чиққанидир. Бу янги қўлёзма 10 та жилдни ўз ичига олади. Унда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларидан то 20 аср бошларига қадар давом этиб, келган китобат ва хаттотлик санъати намуналари, услугуб ва безаклари киритилган. Жумладан, ушбу ўн жилдлик қўлёзмада Асри саодат (Пайғамбаримиз яшаган давр), умавийлар, аббосийлар, сомонийлар, қорахонийлар, салжуқийлар, ғазнавийлар, мамлуклар, усмонийлар, элхонийлар, темурийлар, сафавийлар, қожорлар, афшорлар, бобурийлар, шунингдек, Туркияда республика эълон қилинганидан кейинги йилларга оид хат намуналари ва безакли нақшлар киритилган.

«Мазкур қўлёзма устида 60 дан ортиқ шогирдларим билан биргаликда 8 йил давомида иш олиб бордик», - дейди Хусайн Кутлу. - Қўлёма материалларини тўплаш учун мусулмон дунёсининг турли нуқталаридан хомашё тўпладик. Жумладан, қўлёзма қоғозига Самарқанд ва Бухородаги қадамжоларда ўсган дараҳтлар пўстлоғидан ҳам фойдаланилган. Қуръони Карим нусхасида олтин аралашмасидан тайёрланган зарҳал бўёқлар ҳам ишлатилган.

Мазкур Қуръони Карим нусхаси Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдоғанга тухфа қилинган. Китобнинг сўнгги саҳифаларида Президентга бағишлиланган мақтов ва дуолар араб алифбосида ҳусниҳат билан ёзилган.

Мазкур қўлёzmанинг босма нусхалари Ҳусайн Кутлунинг маҳсус кутубхонасида кўпайтирилган ва сотувга чиқарилган. Ҳусайн Кутлу маданий мерос ҳафталиги давомида бир қатор тадбирларда иштирок этди. Ўзбекистонлик хаттотлар билан учрашувлар, маҳорат дарслари ўтказди. Шунингдек, у ўзи ва шогирдлари томонидан тайёрланган «Истанбул мусҳафи»ни ҳам маҳсус кўргазмада намойиш қилди.

Манба: darakchi.uz